

1847 - عَنِ النَّوَّاسِ بْنِ سَمْعَانَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: ذَكَرَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ الدَّجَالَ ذَاتَ عَدَاةٍ، فَحَقَّقَ فِيهِ، وَرَفَعَ حَتَّى ظَنَّاهُ فِي طَائِفَةِ النَّحْلِ، فَلَمَّا رُحْنَا إِلَيْهِ عَرَفَ ذَلِكَ فِينَا فَقَالَ: «مَا شَأْنُكُمْ؟» قُلْنَا: يَا رَسُولَ اللَّهِ؛ ذَكَرْتَ الدَّجَالَ الْعَدَاةَ، فَحَقَّقْتَ فِيهِ وَرَفَعْتَ، حَتَّى ظَنَّاهُ فِي طَائِفَةِ النَّحْلِ فَقَالَ: «غَيْرِ الدَّجَالِ أَحَوْفِي عَلَيْكُمْ؛ إِنْ يَخْرُجُ وَأَنَا فِيكُمْ فَأَنَا حَجِيجُهُ دُونَكُمْ؛ وَإِنْ يَخْرُجُ وَلَسْتُ فِيكُمْ فامرؤُ حَجِيجِ نَفْسِهِ، وَاللَّهُ حَلِيفَتِي عَلَى كُلِّ مُسْلِمٍ.

إِنَّهُ شَابُّ قَطَطٍ، عَيْنُهُ طَافِيَةٌ، كَأَبِي أُسَيْبٍ بَعْدَ الْعَزَى بْنِ قَطَنِ، فَمَنْ أَدْرَكَ مِنْكُمْ، فَلْيَقْرَأْ عَلَيْهِ فَوَاتِحَ سُورَةِ الْكَهْفِ، إِنَّهُ خَاجٌ حَلَّةً بَيْنَ الشَّامِ وَالْعِرَاقِ، فَعَاثَ يَمِينًا وَعَاثَ شِمَالًا، يَا عِبَادَ اللَّهِ فَاتَّبِعُوا». قُلْنَا يَا رَسُولَ اللَّهِ؛ وَمَا لُبُّهُ فِي الْأَرْضِ؟ قَالَ: «أَرْبَعُونَ يَوْمًا: يَوْمٌ كَسَنَةٍ، وَيَوْمٌ كَشْهَرٍ، وَيَوْمٌ كَجُمُعَةٍ، وَسَائِرُ أَيَّامِهِ كَأَيَّامِكُمْ».

قُلْنَا: يَا رَسُولَ اللَّهِ، فَذَلِكَ الْيَوْمُ الَّذِي كَسَنَةٍ، أَتَكْفِينَا فِيهِ صَلَاةُ يَوْمٍ؟ قَالَ: «لَا، افْدُرُوا لَهُ قَدْرَهُ».

قُلْنَا: يَا رَسُولَ اللَّهِ؛ وَمَا إِسْرَاعُهُ فِي الْأَرْضِ؟ قَالَ: «كَالْعَيْثِ اسْتَدْبَرْتَهُ الرِّيحُ، فَيَأْتِي عَلَى الْقَوْمِ، فَيَدْعُوهُمْ، فَيُؤْمِنُونَ بِهِ، وَيَسْتَجِيبُونَ لَهُ، فَيَأْمُرُ السَّمَاءَ فُتْمَطِرُ، وَالْأَرْضَ فُتُنْبِتُ، فَتَرْوِحُ عَلَيْهِمْ سَارِحَتُهُمْ أَطْوَلَ مَا كَانَتْ ذُرًّا، وَأَشْبَعُهُ ضُرُوعًا، وَأَمَدَهُ حَوَاصِرَ، ثُمَّ يَأْتِي الْقَوْمَ فَيَدْعُوهُمْ، فَيَرُدُّونَ عَلَيْهِ قَوْلَهُ، فَيَنْصَرِفُ عَنْهُمْ، فَيُصْبِحُونَ مُمَحْلِينَ لَيْسَ بِأَيْدِيهِمْ شَيْءٌ مِنْ أَمْوَالِهِمْ، وَيَمُتُّ بِالْحَرَبَةِ فَيَقُولُ هُنَا:

أَخْرَجِي كُنُوزَكَ، فَتَبِعْهُ، كُنُوزُهَا كَيْعَاسِيْبِ النَّحْلِ، ثُمَّ يَدْعُو رَجُلًا مُمْتَلِئًا شَبَابًا فَيَضْرِبُهُ بِالسَّيْفِ،
فَيَقْطَعُهُ جِزْلَتَيْنِ رَمِيَّةَ الْعَرْضِ، ثُمَّ يَدْعُوهُ، فَيُقْبِلُ، وَيَتَهَلَّلُ وَجْهَهُ يَضْحَكُ.

فَبَيْنَمَا هُوَ كَذَلِكَ؛ إِذْ بَعَثَ اللَّهُ تَعَالَى الْمَسِيحَ ابْنَ مَرْيَمَ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَيَنْزِلُ عِنْدَ الْمَنَارَةِ
الْبَيْضَاءِ شَرْقِيَّ دِمَشْقَ بَيْنَ مَهْرُودَتَيْنِ، وَاضِعًا كَفَّيْهِ عَلَى أَجْنِحَةِ مَلَكَيْنِ، إِذَا طَاطَأَ رَأْسَهُ قَطَرَ، وَإِذَا
رَفَعَهُ تَحَدَّرَ مِنْهُ جَمَانٌ كَاللُّوْلُو، فَلَا يَحِلُّ لِكَافِرٍ يَجِدُ رِيحَ نَفْسِهِ إِلَّا مَاتَ، وَنَفْسُهُ يَنْتَهِي إِلَى حَيْثُ
يَنْتَهِي طَرْفُهُ، فَيَطْلُبُهُ حَتَّى يُدْرِكَهُ بِيَابِ لُدٍّ فَيَقْتُلُهُ.

ثُمَّ يَأْتِي عِيسَى صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَوْمٌ قَدْ عَصَمَهُمُ اللَّهُ مِنْهُ، فَيَمْسَحُ عَنْ وُجُوهِهِمْ، وَيَحْدِثُهُمْ
بِدِرَجَاتِهِمْ فِي الْجَنَّةِ. فَبَيْنَمَا هُوَ كَذَلِكَ؛ إِذْ أَوْحَى اللَّهُ تَعَالَى إِلَى عِيسَى صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ إِنِّي قَدْ
أَخْرَجْتُ عِبَادًا لِي لَا يَدَانَ لِأَحَدٍ بِقَتَالِهِمْ، فَحَزَرَ عِبَادِي إِلَى الطُّورِ.

وَبِعَثُّ اللَّهُ يَأْجُوجَ وَمَأْجُوجَ وَهُمْ مِنْ كُلِّ حَدَبٍ يَنْسِلُونَ، فَيَمُرُّ أَوَائِلُهُمْ عَلَى بُحَيْرَةِ طَبْرِبَةَ فَيَشْرَبُونَ مَا
فِيهَا، وَيَمُرُّ آخِرُهُمْ فَيَقُولُونَ: لَقَدْ كَانَ بِهِدِهِ مَرَّةً مَاءً.

وَيُخَصِّرُ نَبِيَّ اللَّهِ عِيسَى صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَأَصْحَابَهُ حَتَّى يَكُونَ رَأْسُ الثَّوْرِ لِأَحَدِهِمْ خَيْرًا مِنْ مِئَةِ
دِينَارٍ لِأَحَدِكُمْ الْيَوْمَ، فَيَرْعَبُ نَبِيَّ اللَّهِ عِيسَى صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَأَصْحَابَهُ، رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمْ إِلَى اللَّهِ
تَعَالَى، فَيُرْسِلُ اللَّهُ تَعَالَى عَلَيْهِمُ النَّعْفَ فِي رِقَابِهِمْ، فَيُضْبِحُونَ فَرَسِي كَمَوْتِ نَفْسٍ وَاحِدَةٍ.

ثُمَّ يَهْبِطُ نَبِيَّ اللَّهِ عِيسَى صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَأَصْحَابُهُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمْ إِلَى الْأَرْضِ، فَلَا يَجِدُونَ فِي
الْأَرْضِ مَوْضِعَ شِبْرٍ إِلَّا مَلَأَهُ زَهْمُهُمْ وَتَنَتُّهُمْ، فَيَرْعَبُ نَبِيَّ اللَّهِ عِيسَى صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَأَصْحَابَهُ
رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمْ إِلَى اللَّهِ تَعَالَى، فَيُرْسِلُ اللَّهُ تَعَالَى طَيْرًا كَأَعْنَاقِ الْبُحْتِ، فَتَحْمِلُهُمْ، فَتَطْرَحُهُمْ حَيْثُ
شَاءَ اللَّهُ، ثُمَّ يُرْسِلُ اللَّهُ عَزَّ وَجَلَّ مَطْرًا لَا يَكُرُّ مِنْهُ بَيْتٌ مَدْرٍ وَلَا وَبَرٍ، فَيَعْسِلُ الْأَرْضَ حَتَّى يَبْكُهَا

كَالزَّلْفَةِ.

ثُمَّ يُقَالُ لِلأَرْضِ: أَنْبَتِي ثَمْرَتِكَ، وَرُدِّي بَكَتِكَ، فَيَوْمئِذٍ تَأْكُلُ العِصَابَةُ مِنَ الرُّمَانَةِ، وَيَسْتَنْظِلُونَ بِقِخْفِهَا، وَيُبَارِكُ فِي الرِّسْلِ، حَتَّى إِنَّ اللَّفْحَةَ مِنَ الإِبِلِ لَتَكْفِي الفِئَامَ مِنَ النَّاسِ، وَاللَّفْحَةَ مِنَ البَقَرِ لَتَكْفِي القَبِيلَةَ مِنَ النَّاسِ، وَاللَّفْحَةَ مِنَ الغَنَمِ لَتَكْفِي الفِخْدَ مِنَ النَّاسِ.

فَبَيْنَمَا هُمْ كَذَلِكَ؛ إِذْ بَعَثَ اللهُ تَعَالَى رِيحاً طَيِّبَةً، فَتَأْخُذُهُمْ تَحْتَ آبَاطِهِمْ، فَتَقْبِضُ رُوحَ كُلِّ مُؤْمِنٍ كُلِّ مُسْلِمٍ، وَيَبْقَى شِرَارُ النَّاسِ يَتَهَارَجُونَ فِيهَا تَهَارِجَ الحُمُرِ فَعَلَيْهِمْ تَقُومُ السَّاعَةُ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ [2937].

قَوْلُهُ: «حَلَّةٌ بَيْنَ الشَّامِ وَالْعِرَاقِ» أَي: طَرِيقاً بَيْنَهُمَا. وَقَوْلُهُ: «عَاثٌ» بِالْعَيْنِ المَهْمَلَةِ وَالثَّاءِ المَثَلِثَةِ، وَالْعَيْثُ: أَشَدُّ الفَسَادِ. «وَالدُّرَا»: بِضَمِّ الذَّالِ المُعْجَمَةِ وَهُوَ أَعَالِي الأَسْنِمَةِ. وَهُوَ جَمْعُ ذِرْوَةٍ بِضَمِّ الذَّالِ وَكُسْرِهَا «وَاليَعَاسِيْبُ»: ذَكَور النَّحْلِ. «وَجَزَلَتَيْنِ» أَي: قِطْعَتَيْنِ، «وَالعَرَضُ»: المَهْدَفُ الَّذِي يُرْمَى إِلَيْهِ بِالنَّشَابِ، أَي: يَرْمِيهِ رَمِيَةً كَرَمِي النَّشَابِ إِلَى المَهْدَفِ. «وَالْمَهْرُودَةُ» بِالدَّالِ المُهْمَلَةِ المَعْجَمَةِ، وَهِيَ: التَّوْبُ المَصْبُوعُ. قَوْلُهُ: «لَا يَدَانِ» أَي: لَا طَاقَةَ. «وَالنَّعْفُ»: دُودٌ. «وَفَرَسَى»: جَمْعُ فَرَسٍ، وَهُوَ القَّنَبِيلُ: وَ«الزَّلْفَةُ» بفتحِ الزَّيِّ وَاللَّامِ وَالقَافِ، وَرُويَ «الزَّلْفَةُ» بِضَمِّ الزَّيِّ وَإِسْكَانِ اللَّامِ وَبِالفَاءِ، وَهِيَ المِرْأَةُ. «وَالعِصَابَةُ»: الجَمَاعَةُ، «وَالرِّسْلُ» بِكسرِ الرَّاءِ: اللَّبَنُ، «وَاللَّفْحَةُ»: اللَّبُونُ، «وَالفِئَامُ» بِكسرِ الفَاءِ وَبعدها هَمْزَةٌ: الجَمَاعَةُ. «وَالفِخْدُ» مِنَ النَّاسِ: دُونَ القَبِيلَةِ.

1847. Наввос ибн Саъмон розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Бир куни эрталаб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Дажжол ҳақида

гапирдилар. У зот бу ҳақда гоҳ секин, гоҳ қаттиқ гапирганларидан биз у яқин орадаги хурмозорларнинг бирида бўлса керак деб ўйлаб қолдик. Кечки пайт у зотнинг ҳузурларига қайтиб борсак, биздаги ҳолатни кўриб, **«Сизларга нима бўлди?»** дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули! Эрталаб Дажжол ҳақида гоҳ секин, гоҳ қаттиқ гапирдингиз учун у яқин орадаги хурмозорларнинг бирида бўлса керак деб ўйлаб қолдик», дедик. Шунда у зот шундай дедилар: **«Мен сизлар хусусингизда Дажжолдан эмас, бошқа нарсадан кўрқяпман. Агар у мен сизларнинг ичингизда эканимда зоҳир бўлса, унга сизларсиз ўзим кифоя қиламан. Лекин мен сизларнинг ичингизда бўлмаган пайтда зоҳир бўлса, ҳар ким чорасини ўзи кўради, ҳар бир мусулмонни Аллоҳга топширдим. Дажжолнинг сочи жингалак, қўнғироқдек, кўзи эса бўртиб чиққан бўлади, мен уни Абдулуззо ибн Қатанга ўхшатаман. Ким унга дуч келса, унга қарши Каҳф сурасининг аввалини ўқисин. У (Дажжол) Шом билан Ироқ орасидаги тошлоқ ердан чиқиб, ўнгу сўлига фасод тарқатади. Эй Аллоҳнинг бандалари, собитқадам бўлинглар!»**. Биз: «Эй Аллоҳнинг Расули! У ер юзида қанча туради?» дедик. У зот: **«Қирқ кун туради. Бир куни бир йилдек, бир куни бир ойдек, бир куни эса куни жумъа (ҳафта) каби бўлади. Қолган кунлар эса ҳозирги кунларингиз каби бўлади»**, дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули! Ўша бир йилдек кунда бир кунлик намоз ўқисак кифоя қиладими?» дедик. У зот: **«Йўқ! Ўша (бир йилга тенг) куннинг ҳисобини оласизлар»**, дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули! Унинг (Дажжолнинг) ердаги тезлиги қандай?» дедик. У зот шундай дедилар: **«У шамол учириб юрган булутдек юради. У бир қавмга келиб, уларни ўз йўлига чақиради, қавм унга ишониб, бўйсунади. Кейин у осмонга буюрса, осмондан ёмғир ёғади. Ерга буюрса, ердан гиёҳлар ўсади. Жониворлар у гиёҳлардан еб, кечқурун қайтганда ёғ тўплаб, семириб, елинлари сутга тўлиб, биқинлари қаппайиб келади. Кейин у (Дажжол) бошқа бир қавмга келиб, уларни ҳам ўз йўлига чақиради, лекин улар унинг сўзларини рад қилишгач, қайтиб кетади. Эрталаб туришса, қаҳатчилик бўлиб, қўлларидаги мол-мулклардан ҳеч вақо қолмаган бўлади. Сўнгра у бир ташландиқ ернинг ёнидан ўтиб, унга: «Хазиналарингни чиқар» деса, ўша хазиналар худди асаларилар маликасига эргашгани каби унга эргашади. Кейин у бақувват, келишган бир йигитни чақириб, унга қилич уриб, бир ўқ отиш масофасича жойга ажратиб ташлайди. Кейин уни чақирса, (йигит икки бўлаги тўпланиб), очиқ чехра билан кулимсираб олдига келади. У (Дажжол) шундай ишлар қилиб турган пайтда Аллоҳ Масиҳ ибн Марямни (Ийсо алайҳиссаломни) юборади. У зот Димашқнинг шарқидаги оқ миноранинг ёнига иккита сарғиш либос кийган ҳолда, кафтларини икки фариштанинг қанотига қўйган ҳолда тушади. Бошини энгаштирса, сув томлайди. Бошини кўтарса, маржондек томчилар тўкилади. У зотнинг нафасининг шамоли етган кофир борки, дарҳол ўлади. У зотнинг нафаси назари етган жойгача етади. У зот уни (Дажжолни) қувиб, унга (Байтул Макдис яқинидаги) Боби Лудд ёнида етиб олиб, ўлдиради. Кейин Ийсо ибн Марямнинг ҳузурига**

Аллоҳ унинг (Дажжол) фитнасидан сақлаган бир қавм келади. У зот уларнинг юзларини силаб, уларнинг жаннатдаги даражаларини айтиб беради. Ийсо шундай турган пайтда Аллоҳ у зотга ваҳий қилиб, «Мен шундай бир бандаларимни чиқардимки, уларга қарши жанг қилишга ҳеч кимнинг кучи етмайди. Шунинг учун сен (мўмин-мусулмон) бандаларимни Тур тоғида сақлаб қолгин», дейди. Кейин Аллоҳ яъжуж-маъжужни юборади. Улар ҳар бир тепаликлардан оқиб туша бошлайди. Уларнинг аввалгилари Табарийя кўлидан ўтиб, ундаги бор сувни ичиб кетишади. Уларнинг охиргилари келиб, (у ерда сув қолмаганини кўриб), «Бу ерда сув бўлган экан», дейишади. Аллоҳнинг Набийси Ийсо ва у зотнинг асҳоблари қамал қилиниб, ҳатто улар учун бир ҳўкизнинг боши ҳозирги юз динорингиздан қийматлироқ бўлиб қолади. Аллоҳнинг Набийси Ийсо ва у зотнинг асҳоблари (яъжуж-маъжуждан халос этишни сўраб) Аллоҳга ёлворишади. Шунда Аллоҳ ўшаларнинг бўйнига қурт туширади-да, ҳаммаси бир дафъада қирилиб кетади. Кейин Аллоҳнинг Набийси Ийсо ва у зотнинг асҳоблари (тоғлардан) ерга тушишади. У ерда (яъжуж-маъжуж) мурдаларининг бадбўй ҳиди тарқалмаган бирор қарич жой қолмаган бўлади. Аллоҳнинг Набийси Ийсо ва у зотнинг асҳоблари яна Аллоҳга ёлвориб, (улардан халос қилишни сўраб) дуо қилишади, шунда Аллоҳ туянинг бўйнидек қушларни юборади. Қушлар уларни олиб, Аллоҳ хоҳлаган томонга элтиб ташлайди. Кейин Аллоҳ бир ёмғир юборади. Бу ёмғир бирорта уй ёки чайлани қолдирмай оқизиб кетиб, ерни ювиб, ойнадек ялтиратиб кўяди. Кейин ерга «Ҳосилингни бер, баракаларингни ато эт», дейилади. Ана ўша кунларда бир дона анорга бир жамоа тўйиб, пўстлоғини соябон қилишади. Сутларга ҳам шу даражада барака бериладикки, битта соғин туя одамларнинг катта бир жамоасига кифоя қилади. Битта соғин сигир катта бир қабилага кифоя қилади. Битта совлиқ катта бир оилага кифоя қилади. Улар ана шундай ҳолатда туришганда Аллоҳ бир хушбўй шабада юборади. Бу шабада уларнинг қўлтиғи остидан кириб, барча мўмин-мусулмонларнинг руҳини қабз этади, натижада (ер юзида) одамларнинг энг ёмонлари қолади. Улар худди эшаклар бир-бири билан қўшилгандек қўшилаверишади. Ана ўшаларнинг устига Қиёмат қоим бўлади».

Имом Муслим ривояти.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI

